
Риштонлик ватандошларимиз ҳаж сафарига жўнаб кетишди

Ислон динидаги фарзлардан бири ҳаж сафарини адо этиш амали ҳисобланади. Минглаб ватандошларимиз қатори бугун Риштон тумани фуқаролари ҳам яратиб берилган шароитлар боис муборак ҳаж сафарига жўнаб кетишди.

Риштон туманининг барча 71 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан тавсия этилган фуқаролар билан сафар олдидан туман марказидаги “Хўжа Илғор” жоме масжидида учрашув ташкил этилди.

Ташкил этилган мазкур тадбирда иштирок этган туман ҳокими Баҳодиржон Холиқов барча номзодларни табриклаб, ҳаж зиёратини ўрнатилган тартиб-қоидаларга мос равишда адо этиб Ватанга эсон-омон қайтиб келишларини тилади.

Тадбирдан сўнг барча зиёратчиларни туман ҳокимлиги, уларнинг оила аъзолари кузатишди. Ташкил этилган автобуслар орқали бу йилги ҳаж зиёрати бахтига мушарраф бўлган ватандошларимиз вилоятимиз маркази томон йўл олдилар.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-05-29 08:07:19